

## ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

«ZARANGARI KAPITAL EXPRESS» MSHJ (бундан буён «Етказиб берувчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбар Б.Жабборова ҳамда иккинчи томондан Қизилтепа туман 39-сон айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернати (бундан буён «Бюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбар Абдуллаев И.У. ушбу шартномани қуйидагича туздилар.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича «Етказиб берувчи» «Бюртмачи»нинг буюртмасига асосан белгиланган тартибда Чойшаб ва Покривалларни етказиб беради.

«Бюртмачи» эса ушбу маҳсулотларни белгиланган тартибда қабул қила олади.

1.2. Товар «Етказиб берувчи»нинг мулки ҳисобланади, у гаровга қўйилмаган ва учинчи шахснинг даволаридан холидир.

1.3. «Етказиб берувчи» ва «Бюртмачи» учун (товарнинг номи, маркаси, артикули)

Т/р	Товар номи	Ўлчов бирлиги	Ҳажми (миқдори)	Нархи	ҚҚС суммаси	Умумий суммаси
1	Чойшаб	Тўплам	120	120000	ҚҚСсиз	14400000
2	Покривал	дона	50	140000	ҚҚСсиз	7000000
	<b>ЖАМИ:</b>					<b>21400000</b>

Сумма : Йигирма бир миллион тўрт юз минг сўм.

(кейинги ўринларда «Товар» деб юритилади) ва унга оид ҳужжатларни «Бюртмачи»га мулк қилиб топширади, «Бюртмачи» эса мазкур шартнома шартлари асосида мазкур товарларни қабул қилади ва ҳаққини тўлайди.

### II. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Етказиб берувчи»нинг мажбуриятлари:

2.1. Товарни ва унга оид ҳужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида «Бюртмачи»га топшириш.

2.2. Агарда шартнома шартларига мувофиқ деб топилса товарни ташиб бериш.

«Бюртмачи» нинг мажбуриятлари:

2.3. Товарни 1 кун муддатда кўздан кечириш. Товарнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аниқланган тақдирда, «Бюртмачи» шу муддатда «Етказиб берувчи»га аниқланган номувофиқлар ҳақида маълумотларни акс эттирувчи хабарнома (рекламация) юборади.

2.4. Шартномада белгиланган нархларда товар ҳаққини тўлайди.

### III. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартнома суммаси: Йигирма бир миллион тўрт юз минг сўмни ташкил этиб товарнинг ҳар бирлиги учун сўмда ҳақ тўланади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб-китоблар пулни кўчириш йўли билан олдиндан 30% маблағни тўлаш ва товар қабул қилинган пайтдан бошлаб 3 кун ичида қолган қисмини тўлаш йўли билан амалга оширилади.

3.3. «Етказиб берувчи»нинг айби билан «Бюртмачи» товарни кўздан кечириш имкониятига эга бўлмаган тақдирда у товарни ҳаққини тўлашни кечиктиришга ҳақли.

### IV. ТОВАРНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ

4.1. Ушбу шартнома шартларига мувофиқ товар сотув жойидан топширилади.

- 4.2. Товарни тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиш хавфи товар топширилган пайтдан бошлаб «Бюртмачи» га ўтади.
- 4.3. Товарни топширишдан бошлаб келишилган муддатга қадар «Етказиб берувчи» сифатига кафолат беради ва алмаштиришни ўз зиммасига олади.
- 4.4. «Бюртмачи» товар маҳсулотларини қабул қилиб олишда товарларни тўлиқ эмаслиги сифатсизлиги аниқланган тақдирда ушбу маҳсулотларни қабул қилиб олмаслик ҳуқуқига эга.

#### **V. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

- 5.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ва амал қилиш муддати «31» декабрь 2022 йилгача этиб белгиланади.

#### **VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 6.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ тўлайди ва кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим..
- 6.2. Тўлов кечиктирилгани учун «Бюртмачи» ҳар кечиктирилган кунга тўловни кечиктирилган сумманинг 0.4% миқдорда, лекин тўлов кечиктирилган сумманинг 50% дан ошмаган миқдорда тўлайди.
- 6.3. Пеняни тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.
- 6.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

#### **VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

- 7.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.
- 7.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низони ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида тегишли суд органларига мурожаат этилади.

#### **VIII. Коррупсияга қарши талаблар.**

- 6.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги «Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ: - ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга ("Иштирокчи Томонлар") моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур.

#### **IX. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ**

- 8.1. Томонларнинг хохиш-истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (Ноқулай об-ҳаво шароитлари, zilзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки қисман бажарилмаган (етказиб берилмаган ёки тўлаб берилмаган)лиги, шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди ва ушбу ҳолатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.

## Х. БОШҚА ШАРТЛАР

- 9.1. Тарафлар ўзларининг юридик манзиллари ва бошқа реквизитлар ўзгарганлиги ҳақида бир-бирларини 3 кунлик муддатда хабардор қилишлари шарт.
- 9.2. Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бажарилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳолдагина ҳақиқийдир.
- 9.3. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.
- 9.4. Шартномага иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

## ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

### « Етказиб берувчи »

«ZARANGARI KAPITAL EXPRESS» MSHJ

Юридик манзилгоҳи: Фиждувон туман Зарангари

МФЙ Абали қишлоқ

Х/Р: 20208000900580226001

Банк номи: Андижон ш. Чет эл капитали

иштирокидаги «Хамкорбанк» АТ

Банк коди: 00088

ИНН: 303767134

Рахбар



(ИМЗО)

### « Бюртмачи »

Қизилтепа туман 39-сон айрим фанлар чуқур

ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернат.

Юридик манзилгоҳи: Қизилтепа ш. Гулустон кўча 12 уй

ШХР100021860122167092300075002

Банк номи Марказий банк

ИНН: 202028867 МФО 00014

ХХТУТ 85310

Ўзбекистон Республикаси Ягона Ҳазна ҳисоб рақами

Х/Р 23402000300100001010 МФО-00014


ХККМ Марказий банк Тошкент шаҳри

ИНН 201122919

Рахбар



(ИМЗО)

	<b>Hujjat elektron raqamli imzo</b> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun <b>QR Code</b> ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	IZATULLA ABDULLAYEV UBAYDULLAYEVICH
	Imzolangan sana	19.12.2022 16:07
	Hujjat kodi	<b>HG3463023346</b>
	Hulosa kodi	<b>SX4275348138</b>

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

SX4275348138

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Choyshab olish shartnomasi**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: 39-SONLI UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABIINTERNATI tomonidan 15.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Qiziltepa tuman  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**A.N.XUDOYQULOV**

19.12.2022

**199421 лот юзасидан шаклланган дастлабки  
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон  
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилади.

Муҳокама тугаган сана:

19.12.2022 15:08

Комиссия раиси:



ABDULLAYEV IZATULLA UBAYDULLAYEVICH